



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 305-гуруҳ курсанти

Расулова Муслима Баҳодиржон қизи

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари замонавий жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уларнинг хавфсизлик даражаси кўп жиҳатдан интернет тармоқлар орқали юзага келаётган ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Вояга етмаганлар муаммоларини ҳал этишнинг шаклланиш жараёни, биринчи навбатда, интернет тармоғининг барқарор ривожланишида ва ундан самарали фойдаланишда мавжуд қонунчилик механизмини такомиллаштиришда, шунингдек унинг тарғибот жараёнини конференциялар, йиғилишлар, конгресслар, форумлар, мажлислар орқали кенг миқёсда амалга оширишда намоён бўлади.

Бугунги инновацион дунёда яққол кўзга ташланаётган замонавий ўзгаришлар, ҳам глобал, ҳам миллий даражада, кўп жиҳатдан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг моҳиятини англашга боғлиқ. Замонавий дунёда алоҳида роль ўйнашга даъвогар бўлган ахборот-телекоммуникация тармоқлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид концептуал ғояларнинг бузилиши тобора кўпроқ кузатилмоқда.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятчилик билан боғлиқ муаммолар бунга ёрқин мисол бўлади ва шу боис, сўнгги ўн йилликда унга қарши кураш масалалари тобора кўпроқ мутахассислар эътиборини жалб этмоқда. Инновацион ҳаётимизнинг турли соҳаларига бевосита таъсир кўрсатадиган бу мавзу энг долзарб амалий



муаммолардан бирига айланди ва мамлакатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ тартиботи ҳамда интернет хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи олимлар ва амалиётчиларни ташвишга солмоқда. Бундай жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш бир қатор ўзига хос хусусиятлар туфайли мушкул, масалан, жиноятчи ва жабрланувчининг бир мамлакатда яшамаслиги, улар бир бирларини фақат виртуал оламдагина билиши ва шу каби бошқа сабаблар.

Ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиб вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган кибержиноятчилик - бу Интернет тармоғи орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилувчи, жиноят қуроли сифатида намоён бўлувчи электрон маълумотлардан иборат виртуал воситалар мажмуидир. Шу муносабат билан ҳар бир бола ва ўсмирда “вояга етмаганнинг ахборот иммунитетини”ни шакллантириш зарур. Бу вояга етмаган шахснинг ахборот кибермуҳитининг салбий таъсирини бартараф этиш қобилияти бўлиб, ахборот таҳдидларини аниқлаш, уларнинг хавфлилиқ даражасини баҳолаш ва уларга қарши самарали курашиш кўникмаларида намоён бўлади.

Трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар одатда, болалар ва ўсмирларга нисбатан кибермуҳитдан фойдаланган ҳолда, интернет орқали қуйидаги халқаро хусусиятга эга кибержиноятларни содир этади:

- Ахборот-телекоммуникация маконидан фойдаланган ҳолда болалар савдоси.
- Интернетдан фойдаланиб вояга етмаганларни жинсий саноатга жалб қилиш.
- Интернетдан фойдаланиб вояга етмаганларни жинсий ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш ҳамда ноқонуний фарзандликка олиш учун ноқонуний эмиграция.
- Кибермаконда вояга етмаганлар ва болалар порнографияси савдоси.



– Интернет тармоғида болалар ва ўсмирларга нисбатан киберфирибгарлик.

– Тармоқдан фойдаланиб болалар ва ўсмирлардан фото ёки видео материал, шунингдек пул маблағларини талаб қилиш мақсадида кибертовламачилик ва шантаж.

– Ахборот маконида болалар ва ўсмирларни жинсий характердаги ҳаракатларга ундаш.

– Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва бошқа жинсий характердаги ҳаракатлар.

– Тармоқдан фойдаланиб ўсмирларга нисбатан бузуқ хатти-ҳаракатлар (педофилия).

– Ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланиб киберқўрқитиш, кибертаъқиб, груминг, кибербуллинг (киберзўраворлик).

– Глобал тармоқ орқали вояга етмаганларни террорчилар томонидан ёллаш.

– Интернетдан фойдаланиб вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш.

– Интернетдан фойдаланиб вояга етмаганларни ўз жонига қасд қилишга ундаш “bullitsid”.

– Ахборот тармоқларидан фойдаланиб гиёҳванд моддалар савдоси.

– Глобал макондан фойдаланиб "LGBT" жинсий озчилик вакиллари томонидан вояга етмаганларга нисбатан кибержиноятчилик.

Компьютер жиноятларининг ушбу барча турлари трансмиллий хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги тенденциялар билан ажралиб туради:

Интернет тармоғи орқали нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа ҳар қандай мамлакатда туриб жиноятчилар томонидан ўсмирлар ва болаларга нисбатан интернет жиноятлари содир этилади;



– Аксарият трансмиллий жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолияти чет элдан бошқарилиши;

– Бу жиноятлар ўта ёпиқ характерга эга, улар билан алоқа ўрнатиш қийин, одатда бир турдаги жиноий фаолият билан чекланади;

– Кибержиноятларни содир этишда юқори даражада жиҳозланганлиги, технологик имкониятлари ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълум бир жойда яшашни ва ўз вазифасини бажаришни афзал кўради, Ўзбекистон худудида иложи борича камроқ ҳаракатланишга интилади;

– Кибержиноят содир этувчи гуруҳ аъзоларининг ўзаро конспирация жараёни етарли даражада мукамалликка эга бўлиши, яъни ушбу гуруҳ аъзолари турли “НИК”лар билан ниқобланган юқори турувчи раҳбари ёки жиноий шеригидан топшириқлар олиб уни ижрога қаратиши ҳамда ушбу ижро жараёнида фақатгина ўзига белгиланган вазифани амалга ошириб, ишнинг бошқа жиҳатлари ҳақида умуман маълумотларга эга бўлмаслиги ва бошқ.

Вояга етмаганларга хавфсизлигини таъминлашда ва уларни турли кибер тажовузулардан ҳимоя қилишда ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда шу соҳага масъул бўлган ХМҚО кучларни бирлаштириш, шунингдек хорижий давлатларнинг омбудсманлари (инсон ва бола ҳуқуқлари бўйича вакиллар) билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, интернет орқали вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашиш жараёнига концептуал ёндашишда, жиноий-ҳуқуқий чораларни тўғри ишлаб чиқишда ва ушбу турдаги кибержиноятчиликка қарши курашнинг ташкилий-тактик усулларини яратишда тезкор-қидирув тавсифи тушунчасини кўриб чиқиш ўзига хос аҳамиятга эга.



Тезкор-қидирув фаолияти назарияси нуктаи назаридан, интернет маконида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш бўйича тезкор-қидирув ва киберқидирув услубларини ишлаб чиқишда асосий элемент сифатида “айрим турдаги жиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифининг ўзига хос хусусиятлари” намоён бўлади. Илмий адабиётларда тезкор-қидирув тавсифининг тузилиши ва мазмуни турлича талқин қилинган.

Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган кўплаб жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жиноят субъектидан (бошқа мамлакатлар фуқаролари) то жинойий тажовуз объектигача, аввало глобал тармоқда вояга етмаганларга қарши кибержиноятларни содир этиш ёки уларга тайёргарлик кўриш қонуният ва механизмларига эътибор қаратиш лозим.

Бунда тезкор-қидирув, ахборот, телекоммуникация, кибер-техник ва кибер қидирув тавсифларининг мазмунини аниқлашда умум эътироф этилган элементлардан (жинойий-ҳуқуқий, криминалистик ва криминологик тавсифлар) ташқари, қидирув белгилари сифатида “тезкор-қидирув телекоммуникация, ахборот ва кибер-қидирув тавсифларининг факультатив таркибий қисмлари”ни ажратиб кўрсатиш зарур. Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан кибержиноятларнинг ушбу тавсифлари мазмунига кирувчи факультатив белгиларни (элементларни) шартли равишда икки турга бўлиш мумкин: кибержиноятчилар шахсиятининг шаклланишига оид ички белгилар ва уларнинг хулқ-атвориغا таъсир кўрсатувчи ташқи белгилар.

Кибержиноятчининг шахсини шакллантиришга бевосита алоқадор бўлган ички белгиларга қуйидагилар киради:

- Интернет тармоғидаги жинойий фаолият мотивлари;
- кибержиноятларни содир этишдаги ролини белгилайдиган жамиятдаги ўрни (ташқилотчи, бажарувчи, ёрдамчи ва ҳоказо);



– веб-сайтлар, доменлар, контентлар ва бошқаларнинг ички тузилмаси ёпиқлик даражаси;

– глобал тармоққа психологик қарамлик, яъни хулқ-атворнинг тармоқдаги ноанъанавий мулоқот шакллариға боғлиқлиги;

– касбий ихтисослашув ёки унинг йўқлиги;

– ўсмирларнинг кибермакон нанотехнологиялариға мослашиш даражаси;

– Интернет тармоғи ахборот маконидаги хатти-ҳаракатларнинг жиноий йўналиши ва бошқалар. Интернет тармоғида кибержиноятчиларнинг вояға етмаганларға нисбатан хулқ-атвориға салбий таъсир кўрсатадиган ташқи белгиларға қуйидагилар киради:

– дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган уюшган жиноий гуруҳларға доимий қарамлик, бу ўсмирларға нисбатан тақиқланган контентни намоиш этиш ва мунтазам ҳамкорликдаги мулоқот шаклида намоён бўлади;

– болаларға нисбатан ғайриқонуний бузуқ фаолият билан шуғулланиш; ўсмирларға нисбатан порно-саноатни ривожлантириш учун чет элдан молиялаштириш;

– Интернет тармоғида ва офлайн тарзда жинсий маҳсулотларни ўзаро алмашиш мақсадида трансмиллий уюшган ташкилотларнинг таъсири ва бошқалар.

Шу сабабли, Интернет тармоғида вояға етмаганларға нисбатан кибержиноятларнинг тезкор-қидирув тавсифини қуйидагича кўриб чиқиш лозим: жиноят-ҳуқуқий, криминалистик, криминологик, ахборот, телекоммуникация, киберқидирув, кибер-виктимологик ва киберологик белгилар мажмуаси бўлиб, улар ахборот маконида кибержиноятчилар томонидан болалар ва ўсмирларға нисбатан содир этилиши мумкин. Бундан ташқари, кибермаконда жиноятчининг шахсини шакллантиришға оид ва унинг хулқ-атвориға таъсир кўрсатадиган кўшимча белгилар ҳам мавжуд.



Ушбу белгилар ахборот-телекоммуникация тармоғида вояга етмаганларга нисбатан кибержиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тўхтатиш ва фoш этишда тезкор кидирув ҳамда киберқидирув имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаганларга нисбатан кибер-қидирув тадбирлари - бу Интернет тармоғидан компьютер маълумотларини аниқлаш ва олишдир. Бунда ахборот телекоммуникация маконини тушунишнинг махсус кўникмалари, билимлари ва усулларидан фойдаланилади. Бу усуллар вояга етмаганларга, шунингдек уларнинг ҳаётига тажовуз қилувчи шахсларга ва жиноятга оид маълумотларни излашнинг ўзига хос воситаси ҳисобланади. Олинган Интернет маълумотлари кейинчалик таҳлил қилинади ҳамда тезкор мақсадларда исботлаш жараёнида қўлланилади.

Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган кибержиноятлар бўйича кўзғатилган жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай жиноятлар кўп эпизодли хусусиятга эга бўлиши ва давомли, такрорий жиноят ёки жиноятлар мажмуаси белгиларига мос келиши мумкин. Давомли жиноятнинг асосий белгилари Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан ахлоқсиз хатти-ҳаракатларнинг умумий мақсадига йўналтирилган ва айбдорнинг ягона нияти билан қамраб олинган бир нечта ўхшаш ҳаракатларда намоён бўлади.

Шундай қилиб, Интернет тармоғи орқали вояга етмаганларга нисбатан жинoий фаолиятнинг давомийлиги виртуал макондаги жиноятчиликнинг устувор жинoий-ҳуқуқий белгилари ҳисобланади. Бу эса катта ижтимоий хавф туғдиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан уни аниқлаш, олдини олиш ва фoш этиш бўйича қўшимча саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Ахборот маконида вояга етмаганларга нисбатан жиноятчиликни тавсифловчи муҳим жинoий-ҳуқуқий белги гуруҳли ва такрорий жиноятчиликдир.



Интернет тармоғида вояга етмаганларга қарши кибержиноят содир этувчиларнинг тобора ўсиб бораётган маҳорати ва ахборот маконидаги юқори даражадаги махфийликни ҳисобга олган ҳолда, кибержиноятчиларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор бўлинмалари учун аниқлаш қийин эканлиги ва бу “уларнинг юқори яширинлигига сабаб бўлиши” тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Сўнгги ўн йил ичида Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг ўзгариш динамикаси доимий равишда ўзгариб бормоқда ва бу Интернет-тарбиявий ҳамда ахборот-технологик хусусиятга эга бўлган бир қатор сабаблар билан боғлиқ. Масалан: назорат қилинмайдиган виртуал тармоқ, юқори даражадаги ишсизлик, аҳолининг паст турмуш даражаси, ўсмирлар устидан тегишли назоратнинг йўқлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва таълим муассасалари, шунингдек умуман бу борадаги маъсул идораларининг Интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан жиноятларга қарши курашиш усулларини такомиллаштиришдаги жиддий камчиликлари, глобал тармоқда вояга етмаганларга қарши кибержиноятчиликни аниқлашда аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигининг мавжуд эмаслиги, ота-оналар томонидан боланинг Интернетда ўтказаетган вақти устидан назоратнинг йўқлиги ва бошқалар.

Ахборот-телекоммуникация маконида вояга етмаганларга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг трансмиллий ва халқаро жиҳати фаоллашди. Бунинг натижасида жинойий хорижий тузилмалар фаолиятининг йўналиши ўзгарди, улар қонуний тармоққа кириб, жаҳон жинойий кибермуҳитида ўз ўрнини эгаллади. Шунингдек, жинсий туризм, педофилия, болаларни жинсий эксплуатация қилиш, киберҳимоя, киберфирибгарлик, кибертовламачилик каби кибержиноятларга бўлган талаб туфайли минтақалараро ва халқаро алоқалар кенгайди.



Глобал компьютер тармоқларида вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жиноятларнинг аксарияти учун хос бўлган қуйидаги тезкор қидирув хусусиятларини қайд этиш мумкин, булар:

– тармоқ ахборот маконининг ўзига хос жиҳатлари (ривожланган анонимлик механизмлари, инфратузилманинг мураккаблиги ва ҳоказо) туфайли жиноятнинг юқори даражада яширин содир этилиши;

– тармоқ жиноятларининг трансчегаравий хусусияти, бунда жиноятчи, жиний тажовуз объекти ва жабрланувчи турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлиши мумкинлиги;

– жиноятчиларнинг махсус тайёргарлиги, жиний фаолиятнинг интеллектуал хусусиятга эгалиги;

– жиноятларни содир этиш усуллари ва қўлланиладиган махсус воситаларнинг ғайриоддий, мураккаб, хилма-хил ва тез-тез янгиланиб туриши;

– жиноятни автоматлаштирилган тарзда бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда содир этиш имкониятининг мавжудлиги;

– кўплаб алоҳида компьютерларнинг нисбатан заиф ресурсларини жиноят содир этишнинг кучли қуролга айлантириш имконияти;

– жабрланувчилар кўп бўлган ҳолларда жиний ҳаракатларнинг кўп эпизодли хусусиятга эгалиги;

– ўсмирларнинг жиний таъсирга учраганликларидан беҳабар қолишлари;

– жиноятчи ва жабрланувчи ўртасида жисмоний алоқа бўлмаган шароитда жиний ҳаракатларнинг масофадан туриб амалга оширилиши;

– ушбу турдаги жиноятларни анъанавий воситалар билан олдини олиш ва тўхтатишнинг имконсизлиги.

Вояга етмаганларга қарши кибержиноятчиликка бир қатор криминологик омиллар жиддий таъсир кўрсатмоқда. Булар жумласига трансмиллий жиний



гуруҳларнинг жинояткорона фаолияти фаоллашуви, халқаро ташкилотларнинг иши, интернет тармоғида вояга етмаганларга нисбатан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг келишмовчилиги, ҳамда жиноий тузилмаларнинг глобал тармоққа жалб этилиши киради.